

## Дуонинг одоблари



09:45 / 06.04.2019 3659

*Салмон розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Албатта, Роббингиз ҳаёли ва каримдир. У Зот бандаси Унга икки қўлини кўтарса, уларни бўш қайтаришдан ҳаё қилади», дедилар».**

*Шарҳ:* Бу каби ҳадиси шарифлар жуда кўп. Демак, баъзиларнинг «Дуода қўлни кўтариб бўлмайди» деган фикрлари мутлақо ўринсиздир.

*Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қачон дуода икки қўлларини кўтарсалар, уларни юзларига суртмасдан туриб қайтармас эдилар».**

*Шарҳ:* Дуонинг одобларидан бири икки қўлни кўтариб дуо қилгандан кейин қўлларни юзга суртишдир.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**